

ҚИЁСИЙ ТИЛШУНОСЛИК

ИНСОН ХАРАКТЕРИГА ХОС СИФАТ ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ТАСНИФИ

(немис ва ўзбек тиллари мисолида)



Ҳабибулло Абдуллаевич БАЙМАНОВ

тилар кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент тўқимачилик ва енгил sanoat институти

habibullo81@list.ru

Аннотация

Мазкур мақолада немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос хусусиятларни ифодаловчи сифатлар қиёсий таҳлил этилган. Бу икки тилда инсон характериғни англатувчи сифатларнинг бажарадиган вазифаларига кўра бир-бириға яқинлиги уларни морфологик, синтактик, прагматик, когнитив-коммуникатив, лексик-семантик ҳамда комплимент концептив хусусиятларини қиёсий тадқиқ қилишнинг аҳамиятини оширади.

Калит сўзлар: сифатлар семантикаси; лексик-семантик гуруҳ; семантик таснифлаш; инсон характериға хос сифат лексемалар; псевдосифатдошлар; ўзлаштирма сифатлар.

СЕМАНТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛЕКСЕМ ПРИЛАГАТЕЛЬНЫХ ОПИСЫВАЮЩИХ ХАРАКТЕР ЧЕЛОВЕКА

(на примере узбекского и немецкого языков)

Ҳабибулло Абдуллаевич БАЙМАНОВ

старший преподаватель

кафедра языков

Ташкентский институт лёгкой и текстильной промышленности

habibullo81@list.ru

Аннотация

В статье проводится сравнительный анализ лексем прилагательных, представляющих специфические особенности характера человека в немецком и узбекском языках. Близость этих двух языков в соответствии с задачами описания человеческого характера увеличивает важность сравнительного изучения морфологических, синтаксических, прагматических, когнитивно-коммуникативных, лексико-семантических и комплиментных концептуальных особенностей.

Калит сўзлар: семантика прилагательных; лексико-семантическая группа; семантическая классификация; лексемы прилагательных свойственный характеру человека; псевдопричастие; овладение прилагательные.

SEMANTIC FEATURES OF LEXEME-ADJECTIVES, DESCRIBING THE
CHARACTER OF THE PERSON
(On The Example of The Uzbek And German Languages)

Khabibulla Abdullayevich BAYMANOV

Senior teacher

department of "Languages"

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

habibullo81@list.ru

Abstract

This article discusses a Contrastive analysis of features of lexeme-adjectives, describing the character of the person in German and Uzbek languages. The function are similar. In particular, it is important to study them in morphological, syntactic, pragmatic, cognitive-communicative, lexical-semantic and classification of concept compliment properties.

Keywords: semantics of adjectives; the group of lexem-semantic; semantic classification; semantic lexeme-adjectives of human; psevdoparticip; mastering of adjectiv.

Морфологик ресурслар тизимида сифат сўз туркумига категория, деб каралади ва сифатлар семантикасида от сўз туркумини аниқлашга қаратилган кўрсаткичлар доминантлик қилади. Сифатларнинг асосий хусусиятлари нафақат синтактик сатҳда, балки семантика ва прагматикада ҳам намоён бўлади. Мазкур мақолада инсон характериға хос сифатларнинг ҳосил қилинишида сўз яшаш воситалари инвентарини аниқлаш, уларнинг асосини ташкил қиладиган лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)ларни белгилаш ва семантик жиҳатдан таснифлаш вазифа қилиб олинган.

Тилимизда яна бир белги маъносини ифодаловчи содда, кўшма, жуфт ва бирикмали сифатлардан ташқари инсон характериға хос тизма сифат лексемалар ҳам алоҳида бир қоидани ташкил этади. Бунда турли лексик-фразеологик бирикмалар, ёйиқ изоҳловчилар қўлланилиши кўзда тутилади (6, 26). Лексик ифодалар ва изоҳлар турли сўз туркумларидан бўлади. Бундай изоҳловчилар кўпроқ предмет белгисининг (аниқловчининг) аниқловчилари, уни конкретлаштирувчи воситалар, муболағалар бўлади. Масалан, *алпқоматли киши, кенгелкали йигит, катта сополтовоқ юзли қиз* ва шу кабилар.

Бирикмали сифатлар таркиби икки ва ундан ортиқ сўздан иборат бўлади ва улар орасидаги муносабатлар аниқ сезилиб турган бўлади, бундай сифатлар *йўқ, олий, оч, тўқ, чала, ярим, бир, икки* каби сўзлар иштирокида ҳосил қилинади: *тинчи йўқ, олий маълумотли, оч кўз, қорни тўқ, тўқ қизил, тўла ҳуқуқли, чала мулла, ёши улуг (инсон), ганга уста (одам), оқишдан келган (йигит).*

Кўшма сўз ва сўз бирикмалари турли ҳодиса бўлиб, уларни аралаштирмаслик керак. Чунки, кўшма сўз морфологиянинг эркин сўз

бирикмалар синтаксисининг, турғун сўз бирикмалар фразеологиялари, лексикологиянинг объекти ҳисобланади ва улар алоҳида ўрганилади.

Тош юрак, очиқ қўл, бағри кенг каби фразеологик бирликлар инсон характериға хос қўшма сифат лексемалар таркибида берилган.

Қўшма сўзлар масаласидаги ноаниқликлар, биринчидан, мустақил сўз билан бирикмани аралаштириб юбориш орқасида сўзнинг мустақил лексик бирлик ҳолатиға путур етказиб, қўшма ва аниқловчи бирикмаларини бири-биридан айиришда қийинчиликлар туғдирса, иккинчидан баъзи қўшма сифатларнинг айрим-айрим ёзилиши мустақил лексик бирликка эға бўлган *бағри кенг, теса тебранмас, қўли гул, тили заҳар* каби инсон характериға хос қўшма сифат лексемалардир.

Инсон характериға хос сифат лексемалар ясовчи аффиксларни ўз табиатларига ва турли-туман хусусиятларига (масалан, содда ва қўшма бўлиши, фақат бир сўз туркумиғагина хос бўлиб қолганлиги ёки турли сўз туркумлари орасида тенг қўллана олиши, ўзакка турлича таъсир кўрсатиши, қўлланишдаги фаол ва пассивлиги, фонетик вариантларға эғалиги, синонимик, антонимик хусусиятлари ва шу каби турли томонларига) кўра, бир неча гуруҳ ва гуруҳчалар(ЛСГ)ға ажратиш мумкин.

Баъзи бир сўзлар (инсон характериға хос сифат лексемалар) туб ҳолида ҳам, аффикс олган ҳолда ҳам (масалан, *пок / покиза, гижим / гижмалоқ, болажон / болажонли* ёки *одамжон / одамжонли, бинойи / бинойидек* ва ҳок.) бир маънони англатавериши билан характерлидир.

Сифатлар таркибида *бе-, -сиз, но-, -ли, ба-, -дор, сер-* каби аффикслар қўлланилиши жиҳатидан синонимик характерға эға: *пулдор / серпул, бетинч / нотинч / тинчсиз*. Лекин шунга қарамай, аффиксларнинг қўлланилишида фарқланиб, чегараланиб қолган, бир-бири билан ўрин алмаштира олмайдиганлари ҳам бор, масалан, *панд* сўзи фақат *бе-* аффиксини олади.

Ўзак ва аффикс баъзан яхлит, ажралмас ҳолатға келиб қолади, айрим ҳолларда эса ясалган (ясама) сўзларнинг маъноси ўзак маъносидан бирмунча узоқлашади ёки маълум даражада янги маъно касб этади. Масалан, *япасқи, шаллақи, бесўнақай, бетавфиқ*, ва ш.к.

Сифат ясалишининг бундай хусусиятларини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Ясовчиларнинг бу каби нозик томонлари ҳар томонлама ўрганилиши, махсус тадқиқотларни талаб этади.

Инсон характериға хос сифат лексемалар отлашишға жуда мойил. Улардаги бу отлашиш хусусияти, айниқса семантик ранг-барангликни ва кўчган маъноларни юзаға келтиради. Сифатларнинг характерли хусусиятларини лингвомаданиятшунослик, когнитив-коммуникатив, лексик-

семантик ва чоғиштира нуктаи назаридан атрофлича таҳлил ва тадқиқ этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Ҳар икки тилларда ҳам сифат ясовчи аффикслар муҳим аҳамият касб этади.

Сифат ясовчи аффикслар шакл ва функция жиҳатидан турли-туман бўлиб, от, равиш, феъл ясовчи аффиксларга жуда ўхшаб кетади. Баъзи сифат ясовчи аффикслар келиб чиқиши нуктаи назаридан араб, форс-тожик тилларига мансубдир.

Шундай қилиб, ўзбек тилидаги инсон характериға хос десубстантив сифатлар асосан куйидаги префикс ва суффикслар ёрдамида ясалади: *-ли, -чи, -тар, -чан, -лак, -лоқ*; 6 та суффикс ва 4 та ўзлашма префикслар: *бад- бе-, сер-, ба-*.

Ўзбек тилидаги сифат ясовчи ўзак-негизларнинг лексик-семантик гуруҳларини аниқлаш ва таснифлаш немис тилидагиға қараганда анча мураккаб амалиётлардан бири ҳисобланади, чунки ўзбек тилидаги суффикс ёки префикслар ёрдамида ясалган десубстантив сифатлар хилма-хил семантикаға эга, бу ҳолат эса уларни муаъян лексик-семантик гуруҳларға тақсимлашда мушкуллик туғдиради. Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилидаги инсон характериға хос десубстантив сифатлар, немис тилидагидек, муаъян отлардан ясалади ва ўхшаш лексик-семантик гуруҳлар ҳосил қилади. Ўзбек тилидаги инсон характериға хос десубстантив сифатларнинг ясалишида инсоннинг ички хусусияти, ҳолати ва кечинмаларини ифодалайдиган отлар фаол иштирок этади, масалан: *виждонли одам, иқтидорли рассом, таъсирчан аёл* ва ҳақозо).

Таниқли олимлар М.Д.Степанова (4, 34) ва В.Фляйшер (5, 78-б) таъкидлашиға кўра, немис тилида от сўз туркумидан сифат яшаш учун асосан энг самарали усул ҳисобланган суффиксациядан фойдаланилади (2, 104).

Инсон характериға хос сифатлар соф немис тилида *-ig, -isch, -haft, -lich, -sam, -bar* суффикслари ва ўзлаштира сифатларнинг *-os/-ös, -ant/-ent, -iv, -al/-ell, -ar/-är, -abel/-ibel* каби суффикслари ёрдамида ҳосил қилинади (7, 203).

Инсоннинг ички ва ташқи характеристикасини, яъни хусусиятини, ҳолатини, хулқини, кўринишини кўрсатиш ва аниқлаб бериш учун сифатлар куйидаги суффиксларни олади: **-ig:** *bärtiger Mensch, fleischige Nase, haarige Beine*; **-isch:** *launisches Mädchen, ironischer Unterton, neidische Reden*; **-haft:** *tugendhaftes Benehmen, nahmhafter Dichter, sündhafte Augen*; **-lich:** *grämlicher Mann, ängstliches Mädchen, glückliches Gesicht*; **-sam:** *sittsames Enkelkind, friedsamere Mensch*; **-bar:** *dankbarer Klient, schandbare Tat*; **-iv:**

Касаллик аломатларини ифодалаш учун сифатларга қуйидаги кўшимчалар қўшилади: **-ös/-os**: *tuberkloser Mann, kavernöse Lungen*.

Инсон ташқи кўринишини, инсон танасининг бир қисмини алоҳида характерлаш учун, яъни орнатив маъно бериш учун **-ig** суффикси қўлланилади: *blauäugiges Mädchen*.

Таъкидлаш жоизки, немис тилидаги инсон характериға хос сифатлар асосан қуйидаги етита суффикслар ёрдамида ясалади: **-ig, -isch, -haft, -lich, -os/-ös, -ant/-ent, -iv**.

Тадқиқ қилинган луғат ва лингвистик матнларда **-sam, -bar, -al/-ell, -ar/-är, -abel/-ibel** кўшимчаларини талаб қиладиган баъзи лексемаларгина учратилди.

Тадқиқотлар натижасида инсон характериға хос псевдоравишдош-сифатларнинг қуйидаги вариантлардаги моделлари аниқланди (от сўз туркумидан ҳосил бўладиган **-s-** ўзакли псевдосифатдошлар): *ge+S+t (gestiefelter Reiter), be+S+t (bebartetes Gesicht), ver+S+t (verfruchte Stirn), durch+S+t (durchädertes Gesicht), S+ier+t (livrierter Diener, talentierter Künstler)*. Кўпчилик псевдосифатдошлар эса қуйидаги моделлар асосида ҳосил бўлган: *be+S+t, ge+S+t, ver+S+t, S+ier+t* (1, 59).

Суффикслар ёрдамида ясалган сифатлар ва псевдосифатдошлар ичидан отдан ясалган, инсоннинг бир қисмини сифатлайдиган лексемаларни алоҳида таъкидлаш ўринли: *bebartetes Gesicht – bärtiger Greis, behaarte Hände – haarige Beine* ва ҳақозо.

Немис тилида инсон характериға хос префиксли-суффиксли десубстантив сифатларнинг ўзак-негизи вазифасини бажарувчи от сўз туркумининг бешта лексик-семантик гуруҳи алоҳида аниқланди. Бу тасниф инсон характериға хос суффикслар ёрдамида ясалган десубстантив сифатларга ҳам тегишли.

Тадқиқ қилинган луғат ва лингвистик матнларда қариндош-уруғчилик номларини ифодаловчи инсон характериға хос суффикслар ёрдамида ясалган десубстантив сифатларнинг ўзак-негизи учрамади. Бошқа барча ЛСГ ҳосил қилувчи ўзак-негизлар биз тадқиқ қилаётган суффиксларни қабул қилади ва суффиксли сифат ясайди.

Шундай қилиб, немис тилидаги суффиксли, префиксли ва префиксли-суффиксли сифатларнинг моделлари қуйидаги ЛСГларга бўлинди:

1. Инсонларнинг тана қисмини сифатлаш: *bärt iger Mensch, haarige Beine, beleibte Männer, durchäder tes Gesicht, blausäugiges Mädchen, dickbäuch iger Gesicht* ва шу каби.

2. Инсоннинг ички ҳиссёти, кечинмалари, ички ҳолатини ифодаловчи абстракт отлар: *gut gelaunter Mann, talentierter Künstler, gesittete Menschenheit*,

mutiger Mensch, geduldiger Patient, launisches Mädchen, ängstliches Mädchen, sittsames Kind, dankbarer Klient, kapriziöses Mädchen, ambitiöser Sportler, arrogante Person, aggressiver Fahrer в.ш.к.

3. Пайтни ифодаловчи абстракт отлар: *bejahrte Frau, betagter Rentner, jähriges Kind* в.ш.к.

4. Тирик жонзотларнинг номлари (антропонимлар): *egoistischer Mensch* в.ш.к.

5. Касаллик номлари ва шу билан боғлиқ ҳолатлар: *verkrebster Körper, tuberkloser Mann* в.ш.к.

Ҳозирги ўзбек тилида, немис тилидаги каби, суффикслар ёки префикслар ёрдамида от туркумидан ясалган сифатлар кўплаб мажуд. Тадқиқ қилинаётган инсон характериға хос мазкур сифатлар *-ли* (*газабли, фаросатли*), *-чи* (*тўполончи*), *-чан* (*таъсирчан*) каби соф ўзбек тилида суффикслар ва *бад-* (*бадф еъл, бадқ овоқ*), *бе-* (*бех оқол, бех аҳо*), *сер-* (*серҳаракат, сермахсул*), *ба-* (*ба ҳоли-қудрат*), *-тар* (*камтар*) каби ўзлашма суффикс ёки префикслар ёрдамида ясалади (3, 121).

“От туркуми ёрдамида ифодаланаётган фарқловчи белги” маъноси ва “номи аниқланаётган сўзнинг ўзида ҳам мавжуд бўлган белги” оттенкаси *-ли* суффикси ёки *-лак* префикси (*мўйловли киши, иқтидорли ўспирин, соқолли кимса*), *-лак* (*жингалак соч бола*) ёрдамида ҳосил қилинади:

-лоқ суффикси ёрдамида ҳам “юқори даражадаги, кўп миқдордаги ҳажм, параметр” маъноларини белгилашда фойдаланилади (6, 99), масалан: *сўйлоқ тишли киши*.

Тадқиқот асосида хулоса қилиш мумкинки, инсон характериға хос сифат лексемалар даражаларға эга бўлиши – унинг асосий грамматик хусусиятларидан биридир. Ҳар бир предмет, ҳолат, ҳодиса ҳамда иш-ҳаракатнинг турли-туман ўзига хос аниқ, мавҳум белгилари бўлади. Бундай белгилар нормал ёки шу нормалликка нисбатан яхши-ёмон, чиройли-хуник, баланд ёки паст бўлиши мумкин. Белгининг бундай хусусиятлари сифатнинг даража формалари ёрдамида ифодаланади.

Немис ва ўзбек тилларидаги инсон характериға хос десубстантив сифатлар асосан икки хил усулда, яъни суффикслар ва префикслар ёрдамида ясалади, лекин улар ёрдамида ҳосил қилинган лексемаларнинг нисбати турлича. Немис тилида инсон характериға хос десубстантив сифатлар 7 та суффикс ва 4 та префикс ҳамда суффикслар ёрдамида ясалади, ўзбек тилида эса асосан 6 та суффикс ва 4 та префикс маҳсулдор сифат ясовчилар ҳисобланади. Немис тилида префиксли-суффиксли усулда ясаладиган инсон характериға хос десубстантив сифатлар мавжуд бўлса, бу усул ўзбек тили учун нисбатан бегонадир.

Мазкур мақоладаги таҳлилий материал ва хулосалардан немис тили дарсларида лингводидактик мақсадда фойдаланиш самарали натижаларга олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Новожилова О.В. Псевдопричастия в современном немецком языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1983. – 27 с.
2. Смехова З.И. Имена прилагательные, характеризующие человека в летописном повествовании: Авторсф.дис....канд. фил. наук. – Москва, 1985. – 312 с.
3. Содиқова М. Ҳозирги ўзбек тилида сифат. – Тошкент: Фан, 1974. – 69 б.
4. Степанова М.Д. Словообразование современного немецкого языка. – М., 1993. – 167 б.
5. Степанова М.Д., Фляйшер В. Теоретические основы словообразования в немецком языке. – М., 1994. – 135 б.
6. Ҳамдамова И. Ўзбек тилидаги сифатларнинг маъно турлари ва уларнинг “Ўзбек тили изохли луғати”да берилиши. Филол. фанлари номзоди дисс.... автореф. – Т., 1964. 26 б.
7. Kühhold I. Putzer O., Wellman H. Deutsche Wortbildung. Das Adjektiv. – Düsseldorf, 2008. – 296 S.